



Бабарахимова С.Б., Абдуллаева В.К.

ХУЛҚ-АТВОР БУЗИЛИШЛАРИ БОР ЎСМИР-ҚИЗЛАРНИНГ АУТОАГРЕССИВ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: ўсмирлар, аутоагрессив хулқ-атвор, дромомания синдроми, хулқ-атвор бузилишлари

Ўсмирларда кузатиладиган аутоагрессив хулқ-атвор турлари орасида интраперсонал зиддиятлар натижасида ҳамда хулқ-атвор бузилиши ва стресс билан боғлиқ намойиш-кор-шантаж суицидал хулқ-атвор кўпроқ учрайди. Ўсмирлардаги аутодеструктив ҳараларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш

ўсмирлар орасида суицидал ҳаралар хавфини аниқлашга ёрдам беради. Ўсмирларда аутодеструктив ҳараларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш аҳоли орасида суицидал тайёгарлик хавф гурухларини аниқлаш имконини беради.

Babarahimova S.B., Abdullaeva V.K.

PECULIARITES OF AUTOAGGRESSIVE BEHAVIOR OF ADOLESCENT GIRLS WITH BEHAVIORAL DISORDERS

Key words: adolescents, autoaggressive behavior, escapes and vagrancy syndrome, behavioral disorders

The study of autoaggressive behavior determined that adolescents were often observed with demonstrative-blackmail suicidal behavior, being formed as a result of intrapersonal conflicts and main problem of behavioral and stress-

related disorders. The study clinical features of autodestructive actions in adolescents with behavioral disorders allowed to identify the risk groups on suicidal readiness among that contingent of population.

Буранова Д.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН САМАРАДОРЛИК САРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Жорий йилнинг 5 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ – 3775 сонли Қарори мамлакатимизда Олий таълимни янги сифат даражасига олиб чиқиш учун янгича замин яратди. Бу Қарорнинг ҳар томонлама асосланганлиги Олий таълим тизимини мутлақо янгилаш имконини беради.

Мазкур Қарор Республикаиздаги барча Олий таълим муассасалари учун, хусусан Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Олий таълим даргоҳлари учун дастуриламал хисобланади. Ундаги ҳар бир банд, барча бўғин ва параграф Олий таълим тизимида хизмат қилаётган олимлар, профессор-ўқитувчилар, институт ходимларининг фаолиятини тубдан ўзгартиришга хизмат қиласди.

Қарорда кўрсатиб ўтилган муаммолар таълим сифатини оширишга, соҳага ижтимо-

ий - иқтисодий ўзгаришлар киритишга, олий таълим муассасасида кенг қамровли ишларни амалга оширишга тўскинлик қилаётган эди. Фикримизни тасдиқлаш учун Қарорнинг учинчи бандига мурожаат қиласиз:

“2018/2019 ўкув йилидан бошлаб таянч (етакчи) олий таълим муассасалари томонидан тегишили таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўкув режалари ва дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш тартиби жорий этилсин”.

Эндиликда кадрларни ижодий фикрловчи мутахассис сифатида тайёрлаш, касбнинг, соҳанинг ўзига хосликларига эътибор бериш имконияти пайдо бўлди. Истиқболда олий маълумотли мутахассис иш қидирмайди. Аксинча, иш берувчи ташкилот, корхона, муассаса ўз мутахассисини ўзи ҳоҳлагандай тайёрлаб олади, унинг диплом олишини кутади, энг



мақбул шартлар асосида ишга қабул қилади. Самара ҳам кутилгандек бўлади. Зеро Қарор ана шундай муҳим ўзгаришлар қилиш учун қабул қилинган. Корхонанинг яхши мутахассисни кидириши, ўқитиши, ундан самарали фойдаланиши – давр талаби. Бу – Олий таълим муассасаси заҳматкаш олимларининг, талабчан профессор-ўқитувчиларининг, “Устоз-шогирд” тизимининг реал истиқболидир.

3775 - сонли Президент Қарори соҳамизинг барча муаммоларини эркин ҳал этиш, илмий изланишлар олиб бориш, чет эл тажрибасини ўрганиш имконини яратади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ҳозирда институтилиз дунёнинг бир қатор мамлакатлари билан илмий ва амалий ҳамкорликни олиб бормоқда. Жумладан, ҳозирда олийгоҳда ҳалқаро тажриба алмашиниш ва хорижлик мутахассисларни жалб қилиш борасида изчил фаолият олиб борилиб, ТошПТИ хузурида хорижий эксперtlар билан ҳамкорликда конференциялар, семинарлар, мастер-класслар ва бошқа турдаги тадбирлар ташкил этиб борилмоқда, бунда АҚШ, Европа, Россия давлатларидан тиббиёт соҳасидаги олим ва мутахассислар билан ҳамкорлик ижобий йўлга кўйилган.

Шунингдек, институт докторант ва ходимлари билан бир қаторда бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда клиник ординаторлари ҳам ҳалқаро малака ошириш учун хорижий мамлакатларнинг тиббий олийгоҳлари ва муассасаларига мунтазам равишда стажировка ва малака оширишга жалб этилиб, йилдан йилга бу кўрсаткичлар ошиб бормоқда.

Олийгоҳда хорижлик талабаларнинг сони ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2017-2018 ўқув йилида институтда 22 та хорижлик талаба таҳсил олган бўлса, 2018-2019 ўқув йилининг бошига келиб уларнинг сони 37 тага кўпайди. Бугунги кунда Россия, Қозогистон, Тожикистон, Туркманистон, Жанубий Корея, Израиль, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан келган бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда клиник ординаторлар ўзининг билими, салоҳияти, интилиши ва меҳнати билан институтимизнинг фаол талабалари қаторидан ўрин олмоқда.

Мазкур йўналишдаги фаолиятни янада кенгайтириш, хорижда тегишли тайёргарликдан ўтиб келган институт ходимларини, шунингдек хорижлик мутахассисларнинг ўқув машғулотларини олиб бориш жараёнига кенг жалб қилишни янада кенгайтириш, машғулот-

ларни ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида бугунги кунда фойдаланилаётган замонавий ўқув адабиётлари асосида ўқитилишини фаоллаштириш институтнинг долзарб вазифаларидан бири.

Фан, техника таракқиёти ва ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишда давр синовларидан ўтган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни эътиборга олган ҳолда уларнинг жорий этилишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили саналади. Тиббиёт соҳаси учун мутахассис кадрларни тайёрлаш ўзига хос долзарб жараён бўлиб, таълим тизимининг сифатли кўрсаткичларига эришиш йўлида таълим берувчининг фаоллиги, ўз касби ва соҳасига садоқат, улкан салоҳият ва замон билан ҳамнафаслик каби кўрсаткичларни талаб қилади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларидаги фаолият, республикадаги барча таълим муассасалари каби, таълим жараёнининг глобаллашуви ҳамда жаҳон андозаларига асосланган инновацион усулларни тадбиқ этишни тақозо этади. Бунда фаолиятни ташкиллаштириш замонавий технологиялар ва услубларни қўллаган ҳолда ташкилий бошқарув тизимининг ўзига хос туридир. Унга кўра, чет тилларини ўзлаштириш ўқув-услубий ва илмий фаолиятнинг маълум йўналишларida белгиланади.

Ўқитувчиларнинг чет тиллари бўйича билим ва кўникмаларини тартибга солувчи дастурлар ва бошқа норматив хужжатлардан келиб чиқсан ҳолда, ОТМ педагог кадрларининг инглиз тили бўйича саводхонлиги даражасини белгилаш бугунги кунда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган ҳалқаро меъёrlари (CEFR – Common European Framework of Reference) талаблари асосида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Унда белгиланган чет тилини билиш даражасининг тўртта кўрсаткичи, яъни тинглаб тушуниш, оғзаки мuloқот, ўқиш вафикрни ёзма баён этиш доирасида тил эгаллашга кўйиладиган талаблар ва мезонлар ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, English for Specific Purpose (ESP) - маҳсус йўналишларда қўлланилишини тақозо этувчи инглиз тилидастури алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда турли фан соҳалари, мутахассисликлар, йўналишларда қўлланилувчи инглиз тили, яъни касбга




йўналтирилган инглиз тили айни муддаодир. Таълим соҳасида ESP дастури мутахассислиги чет тили бўлмаган педагог кадрлар учун мўлжалланган бўлиб, унинг мақсади чет тилларини ўзлаштиришда тил структурасининг грамматик жиҳатларига эмас, балки тилнинг ўзига, мутахассислик ва касб нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ўзлаштирилишига эътиборни қаратади.

Чет тилларини ўзлаштиришга қаратилган мазкур ёндошув тиббиёт олий таълим муассасалари учун айни муддао бўлиб, турли соҳа вакиллари учун ўз касбий маҳоратларини янада тақомиллаштиришда чет тилларидан унумли фойдаланишлари учун самарали ҳисобланади.

ТошПТИ Чет тиллар, педагогика ва психология кафедрасида фаолият ўкув-услубий, илмий, маънавий йўналишларда тегишли меъёрий хужжатлар ва бугунги кун таълим тизимининг талаблари асосида амалга ошириб келинмоқда. Замонавий ўқитишнинг илгор услубларидан фойдалangan ҳолда ўқитилаётган “тиббиётда хорижий тил” фани бакалаврият ва магистратура йўналишида таҳсил олувичи талабалар учун бугунги кун стандарт ва тала-

блари асосида олиб борилмоқда. Машғулотлар давомида интерфаол усувлар, инновацион технологиялар, ахборот коммуникация воситалари ҳамда мультимедиа таълим ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда.

Кафедрада замонавий таълим технологиялардан самарали фойдаланиш ҳам яхши йўлга кўйилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2013 йил 143-сонли “2013 - 2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги карорига мувофиқ кафедрада чет тилларини ўқитиш хоналари замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозланган. Шунингдек, кафедрада амалий машғулотлар олиб борища фойдаланиш учун 5 компьютер синфи (65 та компьютер, 5 та саббуфер, 5 та проектор, 5 та махсус доска), 2 видео синфи ва 7 та мультимедиа синфи мавжуд.





Чет тилларини ўрганишда мулоқот мухитини такомиллаштириш мақсадида талабалар учун клуб ва тўғараклар шаклида қўшимча чора-тадбирлар ташкил этилган. Жумладан, кафедра кошида “Conversation Club” инглиз тили тўғараги фаолият кўрсатиб, иқтидорли ва чет тилларини мукаммал эгалловчи талабалар билан қатор тадбирлар ўтказилади.

Шу билан бирга, кафедрада институт педагог ходимларини инглиз тилига ўқитиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, мазкур фаолият мутахассис кафедралар учун ихтиёрий равишда, тегишли модуллар босқичларида ихтисослик йўналиши, малака даражаси ва касбий эҳтиёжи каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиб борилади.

Машғулотлар тренинг шаклида амалга



оширилиб, улардан кўзда тутилган асосий мақсад – тиббиёт соҳаси учун инглиз тилини ўзлаштиришнинг “Listening”, “Speaking”, “Reading”, “Writing” компетенциялари бўйича билимларини такомиллаштиришдан иборат.

Тингловчиларнинг чет тилларини мукаммал ўзлаштиришини таъминлаш учун замонавий самарали услублар, кенг интерфаол машғулотлар, АКТ воситалари, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш орқали чет тилларига ўқитиш машғулотлари сўнгида кафедрада оғзаки ва ёзма баҳолаш тизими жорий этилган. Малака ошириш якунида профессор-ўқитувчиларнинг чет тиллари бўйича билим даражаси CEFR тизимининг тегишли даражаларини эгаллашига қаратилган.



ТошПТИ ўқув жараёнида чет тилларни кенг кўллаш ва янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган фаолият доирасида ютуклар билан бир қаторда куйидаги долзарб масалаларни ечиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда:

- Талабаларни ўқитишда сифат кўрсаткичларига эътибор берган ҳолда, “касбга йўналтирилган инглиз тили” соҳасига оид коммуникатив компетенция ҳосил қилишдаги

муаммолар ҳамда янги адабиётлар яратишга эҳтиёж муаммоси.

- ТошПТИ мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчиларнинг чет тиллари саводхонлигини ошириш бўйича камчиликлар; Чет тили, педагогика ва психология кафедраси кошидаги курслар фаолиятида мавжуд муаммолар юзасидан талабнинг сустлиги.

- Узок ҳорижий давлатларга малака оширишга жалб этилаётган ходимларнинг со-



нини кўпайтириш, бунинг учун уларнинг чет тиллари бўйича билим ва кўникмаларини хосил қилиш йўлидаги вазифалар.

- ТошПТИ ўкув жараёнининг барча босқичларида таълим олувчиларни чет тилларига ўқитиш сифатига эътиборни кучайтириш, чет тилларида мутахассислик бўйича эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

- Замонавий таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда “тибиётда чет тили” йўналишида янги адабиётларни яратиш, бу борада энг янги ютуклар, замонавий ёндошувлар, соҳадаги халқаро тажрибани кўллаш.

- Мутахассислик фанларини чет тилларида ўқитишда фаолият кўрсататгандан профессор-ўқитувчиларнинг янги билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш, кўпроқ ёш ўқитувчиларни бу жараёнга жалб қилиш, магистратура битириувчиларини тайёрлаб бориш каби мақсадли вазифалар мажмуини ишлаб чиқиши.

Хозирги глобаллашув жараёнларида чет тилларини ўзлаштиришга қаратилган инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурити қуидагилар билан ўлчанади:

- Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иктисодий янгиланиш, узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўкув жараёнининг илфор хорижий тажрибаларини ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

- Педагог ходимларнинг маълумотлилик даражаси, интелектуал салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, изодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Замонавий педагогик технологияларнинг ривожланиш даражаси ва ўсиб бораётган инновацион саводхонлик замонавий технологиялар асосида фаолият юрита олувчи сифатли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни белгилайди. Ушбу жараён эса чет тилларини ўзлаштирган, янги стандарт ва усуллардан фойдалана оладиган кадрларга бўлган талабни айниқса кучайтиради. Тибиёт олий таълим муассасаси

лари педагог ходимлари ўзларининг фаолиятарида чет тиллари бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишлари ва мунтазам равища такомиллаштиришлари уларнинг илмий ва ўкув-услубий фаолиятига оид тажрибасини оширишга мустаҳкам пойдевор яратади. Чет тилларини эгаллаш уларнинг замонавий тибиёт йўналишидаги илмий кашфиётлар ҳамда янгиликлардан боҳабар бўлишлари, мутахассисликнинг замонавий босқичига кўтарилишидаги салоҳиятининг мукаммал шаклланиши каби долзарб вазифаларни бажаришларидаги яна бир муҳим қадамлардан эканлиги аён бўлади.

Таълим тизимида бўлажак тибиёт соҳаси мутахассисларига таълим бериш жараёнда мутахассислик бўйича чет тилларини эгаллашларнинг аниқ кўникмаларини ҳосил қалиш тибиёт олий таълим муассасалари учун айниқса муҳим бўлиб, мутахассислар ўзларининг фаолиятларида соҳа бўйича малакаларини оширишлари ҳамда соҳага оид жаҳон тажрибасини ўзлаштириши, янги ахборотлар, илмий янгиликлар ва ишлаб чиқаришга оид замонавий билимларга эга бўлиши, касбий маданият, коммуникативлик ва креативлик асосларини мукаммал ўрганишлари айни муддаодир. Шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш жараёнда тибиёт соҳасининг мазмумни, мақсади ва вазифаларидан қелиб чиқсан ҳолда замонавий мутахассис билиши зарур бўлган фаннинг қонун-қоидаларини ва фанга тегишли бўлган асосий тушунчаларни, жаҳон тажрибасига асосланган дунё олимлари томонидан берилган изоҳни ҳамда фандаги янгиликларни асл нусхада ўзлаштириш зарурияти бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда.

Шу сабабли, исталган соҳа мутахассисларининг чет тилларини мукаммал ўзлаштириши зарурлиги барчага маълум. Бўлажак мутахассис кадрларни мазкур талабларга биноан тайёрлаш жараёни эса, ўз навбатида, олий таълим муассасалари педагог ходимларнинг тил компетенциясини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, бугунги кунда чет тилларини ўрганиш жараёни бутун олий таълим тизимини қамраб олмоқда.

Мамлакатни модернизациялаш ҳам сон, ҳам сифат нуқтаи назаридан тўла шаклланган, салоҳиятли кадрлар масаласига бўлган эътибор таълим жараёнининг асосий йўналишларини белгилаб олиш учун имконият яратади. Ёш авлодни тарбиялаш, уларни янгича билим



ва тафаккур эгалари қилиб вояга етказиши мухим сиёсий, ижтимоий ва маърифий аҳамиятта эга. Бугунги жамият тараққиёти замонавий ривожланишининг барча боскичларида меҳнат бозорида юқори малакали ҳамда рақобатбардош мутахассисларга бўлган талабнинг кундан-кун ошиб бораётганлиги, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуклари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари муҳимлиги ва мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви суръатларининг ўсиб боришини ҳисобга олар эканмиз, мутахассисларимизнинг чет тилларини эгаллаш динамикасига янгича ёндошув замон талабига айланганлиги шубҳасизdir.

Бугунги ҳаёт барча соҳалар учун кутилган ва кутилмаган янгиликлар, кашфиётлар, инновацион технологиялар даври ҳисобланади. Педиатр шифокорлар амалиётига хам янги, истиқболли, юқори даражадаги техно-

логиялар кириб келмоқда. Биз бугунги дунё тажрибасига суюниб Ўзбекистонда педиатрия илмини ривожлантиришимиз зарур. Дунё илмини чуқур ва мукаммал ўрганиш учун тил билишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан лотин тилини, инглиз ва немис тилларини, рус ва яна бошқа жаҳон тилларини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 3775-сонли Қарори ўзининг қамрови билан Олий тълим муассасаларининг мамлакат тақдирига фаол қатнашиш, амалга оширилаётган чуқур ислоҳотларда иштирок этиш имконини яратди. Замон талабларига мувоғиқ равишда фаолият юритиш мураккаб ҳамда прогрессив янгиланишларга олиб келувчи муҳим омил ҳисобланиб, бунда ўрганувчининг билими, дунёқарashi, мақсадлари ва талаблари асосида ташкиллаштирилган фаолият юқори самарага эришишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Буриев М.Н., Кушабаев А.Н., Норбеков Х.М.

СТИМУЛЯЦИЯ ПЕРИАЦЕТОБУЛЯРНОГО ОСЕТОГЕНЕЗА ПРИ ЛЕЧЕНИИ ОСТАТОЧНОЙ ДИСПЛАЗИИ ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА У ДЕТЕЙ

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Цель исследования. Оценка стимулирующего влияния периацетабуллярной спицевой туннелизации на доразвитие костей тазобедренного сустава у детей с остаточной дисплазией тазобедренного сустава.

Материалы и методы. Основой для проведения исследования послужили результаты обследования 26 детей в клинике ТашПМИ.

Результаты. Хороший результат выявлен у 9 детей до 2 лет (40.1%), удовлетворительный - у 12 детей (54.5%), неудовлетворительный (13%) – у 3 детей, у которых было отмечена инвалидность.

Дисплазия тазобедренного сустава и врожденный вывих бедра - наиболее распространенная патология среди всех врожденных пороков развития опорно-двигательного аппарата. Частота встречаемости дисплазии и врожденного вывиха бедра составляет 25-30 случаев на 1000 новорожденных, а в экологически неблагоприятных районах в 5-7 раз чаще, поэтому для ортопедов эта проблема является актуальной [1,3,7,9]. Под дисплазией тазобедренного сустава понимают нарушение развития всех элементов, образующих тазобедренный сустав: костно-хрящевые основы и окружающие мягкотканые образования – связки, капсулы, мышцы, суставов, нервов [2,4,5]. Поэтому при лечении этой патологии в каких-то элементах тазобедренного сустава остаются проблемы, которые проявляются остаточной дисплазией. Внедряющиеся в последние годы современные методы и способы

ультразвуковой допплерографии открывают широкие перспективы для оценки состояния кровообращения в тазобедренном суставе.

Некоторые исследователи (Сапарова К.Г, 1996; Джалилов А.П. 2005; Кралина С.Э., 2002) изучали качественные показатели кровообращения в нижней конечности и тазобедренном суставе. Однако отсутствуют объективные сведения об изменениях кровообращения в сосудах тазобедренного сустава в динамике лечения. Наиболее часто первичную дисплазию сосудов данного бассейна вызывает нарушение микроциркуляции и венозный стаз, что в последующем приводит к задержке развития костных структур. Концепция трофостимулирующего эффекта туннелизации и остеоперфорации, reparативного неоангиогенеза после применения этих методик при ишемических заболеваниях конечностей привлекает внимание многих исследователей.